
Ватан ҳимоячилари байрами кенг нишонланди!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан Марғилон шаҳридаги Маданият марказида тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирни шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов табрик сўзи билан очиб, жанговар постида доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонлар меҳнатини алоҳида эътироф этиб ўтди ҳамда Ватанимиз озодлиги йўлида азиз жонини фидо қилган жасур ўғлон Бобуржон Ғаниевнинг онаси Мунаввархон ая Ғаниева ва бир гуруҳ фидоий ҳарбийларга байрам совғаларини тақдим этди.

Тадбир доирасида соҳирнафас санъаткорлар томонидан ёшлар қалбида юрт ҳимоясига бўлган шижоатни янада юксалтириш мақсадини мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этилди.

Таниқли сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари тадбирга янада кўтаринки кайфият улашди.

2023-01-13 13:52:44